



Халқ сўзи

Ўзбекистон –
келажаги
буюк
давлат

2025 йил — АТРОФ-МУҲИТНИ АСРАШ ВА «ЯШИЛ» ИҚТИСОДИЁТ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2025 йил 24 январь, № 17 (8912)

Жума

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



БУНЁДКОРЛИККА КЕНГ ЙЎЛ ОЧУВЧИ ЯНГИ ИМКОНИЯТЛАР

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 23 январь куни ипотека дастури доирасида 2024 йилда амалга оширилган ишлар ва 2025 йилги режалар муҳокамаси юзасидан видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Ўтган йили юртимизда жами 40 миллион квадрат метрдан зиёд бино-иншоотлар қурилган. Жумладан, 100 мингдан зиёд хонадонларга эга 2 минг 44 та кўп қаватли уй бунёд этилган.

Бу факат ижтимоий ёки қурилиш масаласи эмас, балки ҳудудлар иқтисодиётида яна бир драйвер бўлмоқда. Хусусан, мазкур уйларни барпо этишда ва ёндош тармоқларда 350 минг одам иш билан таъминланган. Мебель, электротехника, тўқимачилик, қурилиш материаллари соҳаларида қўшимча 11 триллион сўмлик бозор пайдо бўлган. Иқтисодиётда 73 триллион сўм маблағ айланиб, бюджетга 14 триллион сўм тушган.

Соҳани рағбатлантириш учун 2024 йилда 59 минг одамга 17 триллион сўм ипотека кредити ажратилган. Қурувчи ва девелоперларга айланма маблағ учун жами 3 триллион сўм берилган.

Имкониятлардан тўла фойдаланилса, натижалар бундан-да яхши бўларди. Лекин Қорақалпоғистон, Жиззах ва Сирдарёда айрим лойиҳалар ўз ҳолига ташлаб қўйилган. Баъзи вилоятларда аукционда сотиб олинган ўнлаб ерларда қурилиш бошланмаган. Аҳоли ва инфратузилмадан узоқ жойда қурилгани учун 781 та хонадон сотилмаган.

Давлатимиз раҳбари, айниқса, “Янги Ўзбекистон” массивларидаги ишларнинг боришидан норозилигини билдирди.

— “Янги Ўзбекистон” массивларини қуриш бу — Президент сиёсати. Улар билан ҳудудлар обод бўлади, маданият, маърифат, дунёқараш ўзгаради, савдо ва хизматлар кўпаяди, — деди Шавкат Мирзиёев.

Шу боис бу борада янги тар-

тиб белгиланди. Энди “Янги Ўзбекистон” массивига ажратилган ер бўйича лойиҳалаш 2 ойдан ошмаслиги, 3 ой ичида қурилиш бошланиши керак. Бу талаб бузилса, ер қайта аукционга чиқарилади. Лойиҳа кўпи билан ўн беш кунда экспертизадан ўтказилади.

Бу йил ушбу массивлар инфратузилмаси учун 1,2 триллион сўм йўналтирилади.

Қурилишда “эскроу” тизими жорий қилиниши билан девелоперларга ҳозиргидан пастроқ ставкада 1 миллиард доллар айланма маблағ жалб этиш имконияти пайдо бўлади. Муҳими, уларни молиялаштириш уй қуриш билан бирга бошланади ва давом этади. Фуқаролар эса қурилиш бошидан ипотека ва субсидия олиш, уй битмасдан ҳам бошқа одамга сотиш имконига эга бўлади.

Ишончли девелоперлар учун яна бир имконият: иморатнинг 50 фоизи қурилганда фуқаролар кредит ва субсидия олиши мумкин бўлади. Ушбу тартиб нафақат имтиёзли, балки тижорат ипотека кредитлари учун ҳам татбиқ этилади.

Қурувчи ташкилотлар қурилиш бошлаганидан якунлагунича, лекин кўпи билан 12 ой давомида ер солиғи тўлашдан озод қилинади. Объект муддатида топширилмаса, девелопер ер солиғини 2 қарра микдорда тўлайди.

“Янги Ўзбекистон” массиви учун ажратилган ернинг 10 фоизи девелоперларга тижорат бинолари қуриш учун ягона лот сифатида савдога чиқарилади. Уйларнинг 1 ва 2-қаватида хусусий боғчалар очиб қўллаб-қувватланиб, мулк солиғидан ҳам озод этилади.

Умуман, 2030 йилгача 100 та “Янги Ўзбекистон” массиви қурилиши режалаштирилган. Бунинг учун ерлар камида 70 минг одам яшайдиган туман маркази ёки шаҳар ҳудудига 1-2 километр масофадаги жойдан ажратилади. Бу массивларнинг ҳар бирида 100 минг квадрат метрли 2 мингта хонадон қурилади.

Ишларни сифатли ташкиллаштириш учун замонавий менежерлардан иборат “Ўз уйим” компанияси тузилади. Ушбу компания “Янги Ўзбекистон” массивларига ер танлаш, лойиҳалаш, қуриш ва эксплуатация қилишга масъул бўлади.

Мутасаддиларга халқаро экспертларни жалб қилган ҳолда келгуси беш йил учун уй-жой сиёсати стратегиясини ишлаб чиқиш топширилади.

Қурилиш сифати ва назорати масалаларига алоҳида тўхталиб ўтилди. Энди бу жараёнлар соддалаштирилиши қайд этилди.

Жумладан, бинокорлар “Шаффоф қурилиш” платформаси орқали тайёр лойиҳани идоралар билан онлайн келишади. Иншоотнинг лойиҳага мослигини Қурилиш соҳасида назорат қилиш инспекцияси текширади ва битганидан кейин хулоса беради. Зарур ҳолларда бошқа соҳадаги мутахассисларни жалб қилади. Қурилиш давомида зилзилага бардошлиликни синовдан ўтказган лабораториянинг ўзи охирида қўшимча ҳақ олмай хулоса беради. Бинони фойдаланишга топширишда ҳозирги 7 та идора ўрнига фақат 2 та — Қурилиш инспекцияси ва ёнгини хавфсизлигининг хулосаси етарли бўлади.

Маълумки, яқинда Тошкент шаҳрининг Бош режаси тасдиқ-

ланди. Энди архитектура-режалаштириш топшириғи ва қурилишга рухсат бериш жараёнини бирлаштириб, бунга кетадиган вақтни 2 қарра қисқартириш зарурлиги айтилди. Бу тизим келгуси йилдан бошқа вилоятларда ҳам йўлга қўйилади. Ер олишдан бошлаб, бинони фойдаланишга топширишгача бўлган ҳар бир босқич қўриниб турадиган рақамли тизим яратилади.

Соҳага салоҳиятли девелоперларни жалб қилиш мақсадида бундан буён кўп қаватли уй қуриш учун ерлар аукционда фақат ҚҚС тўловчи юридик шахсларга сотилади.

Бугунги кунда 15 мингга яқин кўп қаватли уйларга туташ майдон мулкдорга бириктирилмагани сабабли бошқарув-сервис компанияси хизмат кўрсатадиган ҳудудлар чегараси маълум эмас. Бундай жойларни аниқ белгилаб, компанияларга бириктириш, дараклар экиб, атроф-муҳитни асраш юзасидан кўрсатмалар берилди. Бу борадаги шартномавий муносабатлар ва яшил ҳудуд бўйича меъёрларни қонун билан мустаҳкамлаш зарурлиги таъкидланди.

Жорий йилда мамлакатимизда 120 минг хонадонли кўп қаватли уй қурилиши режалаштирилган.

Шунингдек, Янги Тошкентда 15 минг хонадон барпо қилиш кўзда тутилган. Бу уйларда “яшил” энергиядан фойдаланилади. Энергия барқарорлигини таъминлаш учун хусусий шериклик асосида 100 мегаватт-соат сифимли электр сақлаш қуввати ўрнатилади.

Янги Тошкентдаги уйларни иситиш ва совитиш марказлашган “уч генерация” тизими орқа-

ли бўлади. Бунинг ҳисобига ёз мавсумида электр сарфи 4 қарра қисқаради. Барча бино-иншоотларга юқори энергия самарадорлик талаблари жорий қилинади. Транспорт, ёритиш тизимлари ва зарядлаш станциялари фақат “яшил” технологиялар асосида бўлади.

Эски уйларни реновация асосида янгилаш масаласига ҳам эътибор қаратилди.

Бунда ердан фойдаланиш самарадорлиги 4-5 қарра ошади, коммуникация харажати 2 қарра камаёди. Асосийси, бу орқали шу ҳудуддаги одамларнинг дунёқараш ўзгаради, турмуш тарзи тубдан яхшиланади, иш ўрни кўпайиб, иқтисодиёт ривожланади.

Жиззах, Марғилон, Қўқон, Шахрисабз, Қарши шаҳарлари, Дўстлик ва пойтахт туманларида шундай ишлар бошланган. Бу босқичма-босқич бошқа ҳудудларда ҳам амалга оширилади.

Бу йил уй-жой дастурларини молиялаштиришга бюджетдан 15 триллион 500 миллиард сўм ажратилиши кўзда тутилган. Банклар томонидан бунга қўшимча 10 триллион сўм, “Ипотекани қайта молиялаштириш компанияси” томонидан 2,3 триллион сўм йўналтирилади.

Бунинг ёрдамида 70 мингта хонадоннинг ипотека кредити орқали сотилишига шaroит яратилади. Шундан 30 минг хонадон бошланғич бадалига бюджетдан субсидия тўланган ҳолда даромади юқори бўлмаган оилаларга берилади.

Ийгилишда вилоят ҳокимлари “Янги Ўзбекистон” массивлари қурилиши, ипотека ва реновация лойиҳалари бўйича ахборот берди.

КўП ҚИРРАЛИ ҲАМКОРЛИК ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 23 январь куни Европа Кенгаши Президенти Антониу Кошта билан бўлиб ўтган телефон орқали мулоқотида икки томонлама ва минтақавий аҳамиятга молик долзарб масалалар кўриб чиқилди.

Ўзбекистон Президенти Антониу Коштани Европа Кенгаши раҳбари лавозимига сайлангани билан самимий табриклаб, унга катта муваффақиятлар тилади.

Кейинги йилларда Ўзбекистон билан Европа Иттифоқи ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорлик юксак даражага кўтарилгани ва барча устувор йўналишларда жадал ривожланиб бораётгани катта мамнуният билан қайд этилди.

Турли даражаларда фаол мулоқот ва алмашинувлар олиб борилмоқда. 2024 йилда Ўзбекистоннинг Европа Иттифоқи мамлакатлари билан товар айирбошлаш ҳажми 6 миллиард евродан ошди, Европа компаниялари билан лойиҳалар портфели 30 миллиард еврога етди.

Ўтган йили ўта муҳим минерал ресурслар соҳасида стратегик шериклик тўғрисида битим имзоланди. Транспорт ва рақамли ўзаро боғлиқлик, “яшил” иқтисодиёт, маданият ва бошқа йўналишларда самарали ҳамкорлик олиб борилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси ва Европа Иттифоқи ўртасида Кенгайтирилган шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битимнинг тез фурсатда имзоланиши ўзаро муносабатларнинг бутун мажмуини ривожлантиришга жиддий туртки бўлишига ишонч билдирилди.

Ўзбекистон етакчиси ва Еврокенгаш раҳбари халқаро кун тартиби ва минтақавий ҳамкорлик масалалари юзасидан ҳам фикр алмашдилар. Жорий йил апрель ойида Самарқанд шаҳрида “Марказий Осиё — Европа Иттифоқи” биринчи саммитига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича қўшма режалар муҳокама қилинди.

Ў.А.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг учинчи ялпи мажлиси тўғрисида АХБОРОТ

23 январь куни Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг учинчи ялпи мажлиси ўз ишини бошлади.



Ахборот МухаммадОВ олган сурат.

Унда Сенат, ҳукумат аъзолари, вазирлик ва идораларнинг вакиллари, маҳаллий Кенгашларнинг депутатлари, Сенат ҳузуридаги Ёшлар парламенти аъзолари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари қатнашди.

Видеоконференцалоқа тарзида ўтказилган ялпи мажлисни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Танзила Норбоева олиб борди.

Ялпи мажлис Сенатининг “YouTube” тармоғидаги саҳифаси орқали тўғридан-тўғри ёритиб борилди.

Сенатнинг учинчи ялпи мажлисида дастлаб “Инвестициялар ва инвестиция фаолияти тўғрисида”-ги қонун кўриб чиқилди.

Мазкур қонун инвестиция фаолияти соҳасидаги ягона давлат сиёсатини, хусусан, тўғридан-тўғри инвестицияларни амалга ошириш чоғида юзага келадиган муносабатларни тартибга солиди.

Қонунда мамлакатимизда қулай инвестициялар муҳитини яратиш, тўғридан-тўғри инвестицияларни фаол жалб қилиш, шунингдек, маҳаллий ва хорижий

инвестор ҳамда тадбиркорларнинг ҳуқуқларини кафолатлаш назарда тутилган.

Шунингдек, камбағалликни қисқартириш, аҳолининг соғлигини сақлаш, сифатли таълим, табиий ресурслардан оқилона фойдаланилишини таъминлаш, қайта ишлаш ва ишлаб чиқариш салоҳиятини ошириш, “яшил” иқтисодиётни ривожлантириш, шунингдек, инсон ҳуқуқлари ҳимоя қилинишини таъминлаш ҳам ушбу қонуннинг мақсадларидан ҳисобланади.

Сиёсий партиялар фракцияларида

АҲОЛИ САЛОМАТЛИГИ ВА ЭКОЛОГИК БАРҚАРОРЛИК

Кеча сиёсий партияларнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракциялари йиғилишлари бўлиб ўтди. Уларда қўйи палатанинг навбатдаги мажлиси кун тартибига киритилиши режалаштирилаётган қонун лойиҳалари атрафлиқа кўриб чиқилди.

Жумладан, **Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси фракцияси** йиғилишида “Ўзбекистон Республикасининг Сув кодексини тасдиқлаш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси муҳокама қилинди.

Ушбу қонун лойиҳаси сувдан оқилона фойдаланиш, самарали бошқариш ва муҳофаза қилишни таъминлайдиган ҳуқуқий шарт-шароитлар яратиш, сув етказиб беришчилар ва сув истеъмолчиларининг масъулиятини ошириш, сувдан фойдаланишда рухсатнома олиш тартибини соддалаштиришга қаратилган.

Лойиҳада сув ресурсларини бошқариш, улардан фойдаланиш ва муҳофаза қилишга доир комплекс ҳамда мувофиқлаштирилган чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, сув тежовчи технологиялардан кенг фойдаланишни рағбатланти-

риш, шунингдек, сув олиш тартибини бузганлик учун жавобгарлик масалалари ўз аксини топмоқда.

Мунозаралар давомида фракция аъзолари Одинахон Отахонов, Бахитбай Алдамуратов ва бошқалар лойиҳада назарда тутилаётган янгиликлар ЎзЛиДеП мақсад ва вазифаларига уйғун эканлигини айтиб, уни иккинчи ўқишга тайёрлаш жараёнида депутатлар томонидан берилган кўплаб таклифлар эътиборга олингани ва ҳужжат матнида ақс этганини билдирди.

Депутатларнинг билдиришича, қонун лойиҳасининг қабул қилиниши сув ҳўжаларини узоқ муддатли ривожлантиришнинг ҳуқуқий асосларини яратиш, шу жумладан, сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини оширишга асос яратади.



Парламентдаги мухолифат:

ТАРИХИ, ҲОЗИРГИ ҲОЛАТИ ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ

Сўнгги вақтларда парламентдаги мухолифат масаласи кенг муҳокама қилинмоқда. Конституциявий ҳуқуқ соҳасининг мутахассиси сифатида ушбу масала ҳақида айрим фикрларни илгари сурмоқчиман.

Мулоҳаза

Мухолифат нима учун керак?

Биринчидан, мухолифат қабул қилинаётган қарорларни танқидий кўриб чиқиш орқали улардаги камчиликларни кўрсатади, шу орқали қарорлар янада халқчил, асосланган ва тўғри бўлиши таъминланади. Мухолифатсиз асосланмаган ёки хато қарорлар қабул қилиш эҳтимоли ортади. Мухолифат эса хатоларни кўрсатиб, уларни тўғрилаш учун имкон беради.



ЎЗБЕКИСТОН – МАРКАЗИЙ ОСИЁ: МИНТАҚАВИЙ ИНТЕГРАЦИЯ САРИ МУШТАРАК МАҚСАДЛАР

Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Туркменистонни бирлаштирган минтақа — Марказий Осиё мустақил тараққиётининг деярли 34 йиллик йўлини босиб ўтди.

Сир эмаски, бундан саккиз йил олдин ҳам чегараларимиз деярли тўлиқ ёпилган, чегара ҳудудларидаги мождарлар ва транспорт блокадалари ўзаро савдо-иқтисодий муносабатларга соя соларди. Сув ресурслари, яйловлар ва сув ҳўжалиги объектларидан фойдаланиш масалалари бўйича

Нуктаи назар

Мамлакатимиз раҳбари ташаббуси билан ишлаб чиқилган янги яхлит ташқи сиёсат доктринасида Марказий Осиё минтақаси Ўзбекистон ташқи сиёсий фаолиятининг асосий устувор йўналиши этиб белгиланди. Қўшниллар билан ҳеч қандай муаммо бўлмаслигига эришиш энг муҳим мақсад қилиб қўйилди. Ўз хавфсизлигини бошқа давлатлар хавфсизлиги ҳисобига мустаҳкамлашга йўл қўймаслик, очкичлик, прагматизм ва конструктивлик, тенг ҳуқуқлилик, ўзаро ҳурмат ва манфаатларни ҳисобга олиш тамойиллари минтақавий сиёсатнинг концептуал асосига айланди.

Марказий Осиё давлатлари иқтисодий ва сиёсий ўсишининг ўзига хос моделларини шакллантиришга муваффақ бўлди.

Шу ўринда савол туғилади: бу моделлар қанчалик самарали ва улар ХХI асрнинг бугунги муаммоларига жавоб бера оладими?

Жаҳон банки статистикасига кўра, Марказий Осиё жаҳон иқтисодиётининг жуда кам улўшини, тахминан 0,3 фоизни эгаллайди. Аҳолининг улўшу дўнў умумий сонининг қарийб 1 фоизини ташкил этган ҳолда, иқтисодиёт ялпи ички маҳсулот ҳажми бўйича демографик ўсишдан қарийб уч барабар орқада қолмоқда.

Минтақа аҳолиси 1991 йилдан 2024 йилгача 49 миллиондан салкам 80 миллион нафарга қўпайди. Бундан ташқари, аҳоли таркибида ёшлар сони ортди. Марказий Осиё давлатларида ўртача ёш 1990 йилда 34 ёшни ташкил этган бўлса, ҳозир мазкур кўрсаткич — 28,7. Бинобарин, бу мамлакатлар аҳолисининг аксарияти собиқ иттифок парчаланганидан кейин туғилган. Минтақа ёшлари ўтмишники кўймайди — улар миллий ўзига хослик, анъанавий ва диний қадриятларга катта аҳамият беради. Улар ҳар бир янгиликка очкичлик, янги технологиялар ва гоьларни қабул қилишга мойиллиги билан ажралиб туради. Бошқа томондан, аҳоли сонининг ўсиши минтақаниннг сув, озик-овқат ва ер каби чекланган ресурсларига катта юк олиб келади. Сув тақчиллигининг ортиб бориши катта ижтимоий хавфга айланиши мўмкин. Минтақа мамлакатлари иқтисодиёти диверсификация қилиш, хомашёга қарамликдан воз кечиш ва қайта ишлаш саноатини ривожлантиришга йўналтирилган бўлишига қарамай, бюджетларининг

салмоқли қисми ханўзгача глобал энергия ва металл нархларига боғлиқ.

Масалаларни ҳал этишнинг энг самарали йўли

Таъкидлаш керакки, 34 йил давомида минтақада трансчегаравий дарёлардан биргаликда фойдаланиш, сув ресурслари тақчиллиги, иқлим ўзгариши, инфратузилманиннг етарли даражада ривожланмагани ҳамада давлатлараро ҳамкорликдаги бошқа тўсиқлар билан боғлиқ қўллаб муаммолар тўпланиб қолди. Уларни бартараф этишнинг энг самарали йўли эса чўқур, ҳар томонлама ҳамада жадал минтақавий ҳамкорлик эканига шубҳа йўқ.

Бугунги кунда турли омиллар таъсирида минтақада тез марказлашув тенденциялари кузатилмоқда ва Марказий Осиёда мустаҳкамланиб бормоқда. У ҳамкорликинннг янада илгор шаклларига ўтиш босқичида. Муаммоларни биргаликда ҳал қилиш зарурлиги минтақа давлатларининг мустақил ривожланиши бошланганидан бўён кун тартибидан ўрин олган. Марказий Осиё давлатлари раҳбарлари, жумладан, Ўзбекистон раҳбарияти интеграциялашув бўйича қўллаб ташаббусларни илгари сурмоқда.

Ҳозирги пайтда "Марказий Осиё бешлиги" деб аталадиган давлатлараро ҳамкорликинннг мақбул формати — мамлакатлар раҳбарлирининг Маслаҳат учрашувлари Президентимиз ташаббуси туфайли пайдо бўлди. У расмий институт макюмига эга бўлмаса-да, Остонада ўтган сўнгги саммитда клубни институционаллаштириш ҳақида сўз борди.

Учрашувларининг бугунги ҳолати ҳам барча мамлакатларни иқтисодий ривожланишининг турли моделларини ҳисобга олган ҳолда мулоқот қилиш ва турли лойиҳаларни амалга оширишга жалб этиш имконини берапти. Биринчи Маслаҳат учрашуви 2018 йили Остона шаҳрида бўлиб ўтган ва шундан бўён ҳар йили ўтказиб келинмоқда. Муносабатларнинг ўзига хос хусусияти Чўлпонотда имзоланган ва унинг мазмуни ҳамада тарихий истиқболи ХХI асрда Марказий Осиёни ривожлантириш бўйича дўстлик, яхши қўшничилик ва ҳамкорлик тўғриси-

тинимсиз тортишувларнинг очиқ қарама-қаршиликка айланиб кетиш хавфи ҳам юзага келганди. Боз устига, минтақадаги айрим кўчлар ишонсизлик руҳини авж олдириш ва умумий тарихий меросдан ўз манфаатлари учун фойдаланиш орқали муҳолифик ва рақобатни келтириб чиқарарди. Буларнинг барчаси асрлар давомида тинч-тотув яшаб келган, бир динга этиқод қилган, ўхшаш урф-одат ва анъаналарга эга бўлган Марказий Осиё халқларининг маданий-цивилизациявий қадриятларига мутлақо зид эди. Ўзбекистон етакчиси Шавкат Мирзиёевнинг сиёсий иродаси туфайлигина минтақада ҳамжиҳатлик руҳи пайдо бўлди.

даги шартномада мустаҳкамланган. Мамлакатлар раҳбарлари ўртасида алоқалар жипслашётгани натижасида иқтисодий ҳамкорлик сурьатлари, минтақалараро товар айирбошлаш ҳажми ҳам ошди. 2014 йилда Марказий Осиё мамлакатлари умумий ташқи савдо аямалмасида минтақалараро савдонинг улўшу 6,4 фоизни ташкил этган бўлса, орадан ўн йил ўтиб бу кўрсаткич 10 фоиздан ортди. Минтақадаги савдо ҳажми 4,4 баробар, қўшма корхоналар сони 5 баробар, ўзаро инвестициялар ҳажми қарийб 2 баробар қўпайди.

Иқтисодий ҳамкорлик ва бизнес имкониятлари

Айтиш жоизки, Марказий Осиё мамлакатлари Европа Иттифоқи (ЕИ) билан ҳамкорликни иқтисодиёт, савдо ва инвестициялар соҳасидаги асосий стратегик йўналишлардан бири, деб билади. ЕИ бозори Марказий Осиё давлатларидан етказиб бериладиган товарларнинг кенг ассортименти туфайли муҳимлигига қолмоқда. Европа билан ҳамкорлик Марказий Осиё мамлакатлари учун сармояларни жалб қилиш, молиявий ва институционал ёрдам кўрсатиш борасида самарали бўлди.

Охириги ўн йилда Европа Иттифоқи давлатлари Марказий Осиё мамлакатларига қарийб 105 млрд. евро сармоя кирипти ҳамада 2023 йил охирига келиб улар ўрта-сидаги савдо ҳажми 60 фоизга ошиб, 45 млрд. еврога етди.

Европа Иттифоқи — минтақада биринчи ўринда турадиган донор. 2014 — 2020 йиллар давомида БМТнинг Барқарор ривожланиш мақсадларига мувофиқ Марказий Осиё мамлакатлари учун ёрдам пакети 1,1 млрд. еврога етди. Марказий Осиё мамлакатлари ва ЕИ ўртасидаги муносабатларнинг муҳим таркибий қисми минтақадаги миллий иқтисодиётларни диверсификация қилишдир.

Европа Иттифоқининг ривожланётган мамлакатларга ёрдам дастурига кўра, Европа бозорига кирувчи товарлар учун импорт божлари бекор қилинди. Ҳозирги кунда Тожикистон, Ўзбекистон ва Қирғизистон ушбу дастурдан фаол фойдаланмоқда. Бу Европа Иттифоқи билан иқтисодий ҳамкорлик ва биз-

нес имкониятларини осонлаштирадиган, жумладан, Тожикистон, Ўзбекистон ва Қирғизистондан ЕИнинг барча тариф линиялари бўйича товарлар учун божлар 66 фоизга камайтирилади.

Марказий Осиё давлатлари ҳамада Европа Иттифоқи ўртасидаги ҳамкорлик барқарор ривожланиш ва иқлим ўзгариши, молиявий инкирозлар, эпидемиялар ҳамада бошқа трансмиссий экзистенциал муаммоларга қарши курашда кўзга яққол ташланадиган умумевропа дипломатияси доирасида ҳам истиқболга эга. ЕИнинг 2019 йилги "Европа Иттифоқининг Марказий Осиё бўйича янги стратегияси" учта устувор йўналишни белгилаб бергани беҳиз эмас: барқарорлик, фаровонлик ва минтақавий ҳамкорлик.

Умумий манфаатларга мос ривожланиш парадигмаси

Кейинги йилларда Ўзбекистон, Туркия, Қозоғистон, Озарбайжон, Қирғизистон ва Туркменистон каби туркий давлатлар ўртасида ҳамкорлики чўқурлаштириш тенденцияси кучайди.

Ушбу мамлакатлар Марказий Осиё ва Жанубий Кавказда савдо-иқтисодий ривожланишга қўмаклашиш мақсадида ўзаро савдонинг кенгайтириш, сармояларни жалб қилиш ҳамада транспорт-логистика алоқаларини ривожлантиришдан изчил манфаатдорлик кўрсатиб келмоқда. Буни ҳисобга олсак, Туркий давлатлар ташкилотини (ТДТ) доирасидаги ўзаро ҳамкорлик барқарор институционал алоқада эга бўлиши ва яқин келажақда янада мустаҳкамланиши аниқ.

Мазкур ривожланиш парадигмаси доирасидаги ўзаро ҳамкорликда асосий ролни Қозоғистон, Озарбайжон, Ўзбекистон, Қирғизистон ва Туркменистон билан тил ҳамада диний жиҳатдан яқинлиги туфайли улар билан муштарак манфаатларга эга ва ташқи сиёсатда умумий йўналиш ишлаб чиқишдан манфаатдор бўлган Туркия ўйнайди.

Сўнгги йилларда Туркиянинг минтақадаги сармоявий иштирокининг тез ўсиши унинг мавқеини сезиларли даражада мустаҳкамлади. Туркиянинг минтақага киритган сармояларни ҳозирда 85 млрд. АҚШ долларидан кўпроқни ташкил этади, минтақада 4 мингга яқин турк компаниялари фаолият юритади. Туркиянинг ўзи ҳам Марказий Осиё давлатларининг етакчи бешлик савдо ҳамкорларидан бирига айланди.

Туркиянинг Марказий Осиё давлатлари учун муҳим савдо-иқтисодий шерик сифатидаги роли узоқ муддатли истиқболда кучайишда давом этади. Марказий Осиё давлатлари ва Туркия ўртасида визасиз режим мажбур бўлиб, уларнинг иқтисодиётлари тузилиши ўзаро савдосотикда тўлдирувчанлик хусусияти мавжудлигини кўрсатади, яъни улар бир-бири билан рақобатлашмайди, аксинча бир-бирини тўлдиради.

Хавфсизлик соҳасида ҳам Туркиянинг роли ортганини таъкидлаш жоиз. Хусусан, 2020 йилда Озарбайжон ва Арманистон ўртасида бўлиб ўтган иккинчи Қорабоғ урушидаги ҳал қилувчи роль Марказий Осиё мамлакатлари мудофаа саноати эҳтиёжлари учун Туркия билан қўшма ишлаб чиқариш йўлга қўйилишига кучли туртки бўлди.

Худди шу сингари Туркия "Бир макон, бир йўл" ташаббуси доирасида "Ўрта коридор" лойиҳаси бўйича Хитой билан муваффақиятли ҳамкорлик қилмоқда. Ўз навбатида, ЕИ ва АҚШ каби ҳамкорлар Туркиянинг Марказий Осиёдаги таъсирини кенгайтириши минтақадаги турли кўчлар ўртасида манфаатлар мувозанатини сақлаш стратегиясининг бир қисми сифатида кўришга мойил.

«C5+1» формати — муваффақиятли ташаббус

Марказий Осиё давлатлари ва халқаро манфаатдор томонлар ўртасидаги муносабатларни қўриб чиқаётганда "C5+1" форматининг аҳамияти ортиб бораётганини қайд этиш жоиз. Ушбу дипломатик ташаббус минтақавий бўлмаган иштирокчиларни ҳамкорликка жалб қилгани нуктаи назаридан муваффақиятли ташаббусга айланди.

Мазкур стратегик ёндашув минтақаниннг сиёсий мавқеи ва иқтисодий салоҳиятини юксалтиришга ёрдам беради ва шу орқали унинг кенгрок Евроосиё контекстида ўзига хос қийматини оширади. Ҳозирги геосиёсий кескинликлар шароитида Марказий Осиё янгича аҳамият касб этмоқда. Бугунги кундаги асосий савол — бутун минтақаниннг келажаги.

Умуман, Марказий Осиё кўчга кириб, мустаҳкамланиб бормоқда. Минтақа давлатлари ҳамкорликинннг янада илгор шаклларига ўтишга тайёр. Бу, ўз навбатида, турли анъанавий ҳамада ноанъанавий муаммоларга қарши минтақаниннг барқарорлиги ва субъективлигини кучайтиради.

Бугун онгни деколонизация қилиш жараёни тезлашмоқда. Марказий Осиё давлатларининг ёш авлодида миллий ва минтақавий ўзига хослиқни шакллантириш иштиёқи тобора кўпроқ акс садо ва тушунчага эга бўлмоқда.

Ушбу тенденция миллий элита томонидан минтақани янада ривожлантиришга сезиларли даражада ёрдам беради. Глобал кўчлар билан ҳамкорликда қўп қутболи ва мувозанатли ёндашув Марказий Осиё учун устувор вазифа бўлиб қолади. Масалан, Марказий Осиёдаги қўп томонлама муносабатларнинг воситаларидан бири "5+1" формати бўлиб, у минтақа давлатлари ҳамада уларнинг хорижий ҳамкорлари ўртасидаги мунатазам мулоқотнинг муваффақиятли ва долзарб механизми эканини исботлади.

Обиджон ҲАМИДОВ,
Бухоро давлат университетини ректори, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор.

ТРАНСПОРТ ЯНГИЛИКЛАРИ

«Чиноркент» темир йўл бекати — замонавий қиёфада

Давлатимиз раҳбари Бўстонлиқ туманига ташири давомида ушбу ҳудудда туризмни янада ривожлантириш, сайёҳларга транспорт хизматларидан фойдаланишда қулайлик яратиш борасида зарур топшириқлар берган эди.




Ушбу вазибалар ихросини таъминлаш мақсадида "Ўзбекистон темир йўллари" АЖ томонидан муайян ишлар амалга оширилмоқда.

Жумладан, ўтган йил декабрь ойида Тошкентдан Хўжакентга янги электропоезд қатнови йўлга қўйилди. Эндилкида Хўжакентдан Чиноркентгача 1,5 км. масофага темир йўл қурилди. Шунингдек, "Чиноркент" темир йўл бекати қуриб битказилиб, фойдаланишга топширилди.

Бу ерда 150 метр узунликда перрон ҳамада соябон қурилиб, имконияти чекланган йўловчилар учун ҳам шароитлар яратилди. Қолаверса, йўловчиларга ер ости туннели ҳам барпо этилди.

Парвозларни режалаштиришнинг инновацион ечими

"Ўзаэронавигация" ДК томонидан учувчисиз учиш аппаратлари ҳамада ўта енгил учадиган аппаратларнинг парвозларини режалаштириш ва мониторинг қилишнинг "АТМ: Safe Sky" деб номланган янги тизими жорий қилинди.



Мутахассисларнинг фикрича, аэронавигация хизмати провайдери мутахассислари томонидан яратилган ушбу инновацион ишланма ҳаво ҳудудидан хавфсиз ва самарали фойдаланишни таъминлаш йўлидаги муҳим қадамдир.

Янги тизимнинг асосий мақсади — парвозларни режалаштириш ва мамлакатимиз ҳаво ҳудудида учувчисиз учиш аппаратлари ҳаракати устидан назоратни таъминлашдан иборат.

Халқаро аэропортнинг ёритиш мосламалари янгилади

"Uzbekistan Airports" АЖ Мудофаа вазири билан биргаликда Фаргона халқаро аэропортининг учиш-қўниш йўлагига янги ёритиш мосламаларини ўрнатиш лойиҳасини амалга оширди.


Бугунги кунга қадар "САТ-1" типидagi (ICAO) янги ускуналарни ишга тушириш бўйича барча юмуш якунланиб, парвоз синиқи ўтказилди.

Мавлўмотларга кўра, аэродромдаги паст интенсивликдаги ёритиш мосламалари техник ва маънавий ҳолати эскирган, фойдаланиш муддатини ўтаб бўлиб, талабларга жавоб бермаган.

Янги ёритиш тизими кундузи ва тунда, қийин об-ҳаво шароитида учиш-қўниш йўлагини қўриш имкониятларини яхшилаб, ҳар иккала курсдан аниқ қўнишни таъминлаш имконини беради.

Паркент сайёҳлик манзилига айланади

Мамлакатимизда туризм соҳасини изчил ривожлантириш бўйича кенг қамровли ишлар олиб борилмоқда. Мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланган ҳолда туризм марказлари барпо этилаётир.



Таъкидлаш жоизки, эндиликда Тошкент вилоятининг Паркент тумани ҳам сайёҳлик манзилига айланади. Бу нафақат маҳаллий аҳоли учун янги иш ўринлари яратди, балки мамлакат туризм секторига ҳам катта фойда келтиради. Электрлаштирилган темир йўл қурилиши, албатта, мазкур жараёни янада осонлаштиради.

Яқинда белгиланган устувор вазибалар ижроси доирасида ушбу туманни пойтахт билан боғловчи йўл қурилишга старт берилди. Мазкур электрлаштирилган йўлнинг умумий узунлиги 23,8 километрдан иборат бўлиб, янги йўналишни лойиҳалаш ишлари "Боштранслойиҳа" АЖ, қурилиш ишлари эса темир йўлчи мутахассислар томонидан амалга оширилади.



«U-17» Осиё кубогига рақибларимиз ким?

Расмий манбаларда хабар берилишича, Малайзия пойтахти Куала-Лумпур шаҳрида футбол бўйича “U-17” Осиё кубогига қўрва ташлаш маросими бўлиб ўтди. Унинг натижаларига кўра Ўзбекистон терма жамоаси “А” гуруҳидан ўрин олди. Вакилларимиз гуруҳда Саудия Арабистони, Таиланд ҳамда Хитойга қарши баҳс олиб боради.



Қўрва натижаларининг тўлиқ жадвали қуйидагича: “В” гуруҳи — Япония, Австралия, Вьетнам, БАА. “С” гуруҳи — Корея Республикаси, Яман, Афғонистон, Индонезия.

“Д” гуруҳи — Эрон, Тожикистон, Ўмон, КХДР. Таъкидлаш жоизки, мазкур мусобақа Қатарда бўлиб ўтадиган 17 ёшгача футболчилар ўртасидаги ФИФА жаҳон чемпионатиغا саралаш вазифасини ўтайди.

Маълумот учун: мусобақанинг энг яхши 8 та жамоаси жорий йилги ўсмирлар ўртасидаги мундиалда қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритади.

Хоккей: «Хумо» Қозоғистон чемпионатида пешқадам

Тошкентнинг “Хумо” хоккей клуби Қозоғистон чемпионатининг сафар учрашувида “Ақтобе” жамоасига қарши иккита ўйин ўтказди.

Пойтахтимиз хоккейчилари биринчи баҳсда меҳмонларни 3:1 ҳисобида доғда қолдирганди. Ўйинда хоккейчиларимиздан Радеъ Фазлеев, Вадим Кравченко ва Эдгарс Сиксна рақиблар дарвозасига учта шайбани йўллади.

Иккинчи учрашувда ҳам “Хумо”нинг қўли баланд келди. Бу гал ҳамюртларимиз “Ақтобе” дарвозасига жавобсиз иккита шайба киритди.

Ушбу муваффақиятдан сўнг “Хумо” жамоаси очколари сонини 51 тага етказган ҳолда турнир жадвалида етакчига айланди.

“Торпедо” Усть-Каменогорск жамоаси эса 50 очко билан 2-ўринда, “Сариарка” клуби 48 очко билан 3-ўринда борапти.

Мусобақалар қизғин давом этмоқда

Чирчиқ шаҳрида жойлашган Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети манежиде енгил атлетика бўйича мамлакат кубогини учун баҳслар ўтказилляпти.

Мазкур баҳснинг дастлабки кунда 60 ва 800 метр масофага югуришда Шарифа Давронова ҳамда Сабоҳат Самижонова марра чизигидан биринчи бўлиб ўтган бўлса, тўсиқлар оша 3 минг метр масофага югуришда Дилшода Усмоновага тенг келадигани топилмади. Ушбу масофаларга эркаклар ўртасида югуриш баҳсларида Суннат Исмоилов, Ҳаётбек Аҳмедов ва Раҳматулла Нуралиев олтин медалга эга чиқди.

Шу билан бирга, баландликка ва узунликка сакрашда Барнохон Сайфуллаева, Роксана Худоерова, Сарвар Мелиев каби атлетларимиз энг яхши натижани қайд этган бўлса, ядро улоқтиришда қўтилганидек Малика Насриддинова ҳамда Рашидбек Содиков голиб бўлди.

«Халқ сўзи».

Амир Темурининг 11 тонналик битиктоши

Санкт-Петербургдаги бадийи ва маданий-тарихий давлат музейи — Эрмитажда Амир Темури даврига оид оғирлиги 11,2 тонна бўлган битиктош сақланмоқда.

Мозийдан садо

Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази ахборот хизматининг хабар беришича, мазкур ёдгорлик 1937 йилда Қозоғистоннинг Улуғтоғ ҳудудидан топилган. Битиктошда Соҳибқироннинг Дашти Қипчоққа юриши ҳақида ёзув қолдирилган. Унда Темурибекнинг 1391 йилда Тўхтамышхонга қарши 200 минг нафар аскар билан қилган юриши ҳақида хотира қолдирилган.

“Тарих етти юз тўқсон учта, қўй йили ёзининг ора ойи Туроннинг султони Темурибек икки юз минг черик билан ислом учун Тўхтамышхонни(нг) хонига йуриди. Бу ерга етиб, белгу бўлсун теб бу йўбани қўларди. Тангри нусрат бергай, иншооллоҳ. Тангри эл кишига раҳмат қилгай, бизни дуо билан ёд қилгай”,

деб ёзилган матнда.



Ёдгорлик Амир Темури қўшинларининг қудрати, унинг тарихий

миссияси ва исломий қадриятларга садоқатини акс эттиради. Тарихий манбаларга кўра Амир

Темури Улуғтоғнинг “Олтин чўққи” номили тоғ қирраларига ўз қўшинини ҳордиққа қўйиб, бу юришнинг тарихига муҳрлаш учун махсус хотира ёдгорлиги барпо этишга қарор қилган. Жангчилар харсанг тошларни йиғиб, уста тоштарошлар бу ерда битик ясаган.

Бугунги кунда Эрмитаж музейида бу битиктош билан бир қаторда темурийлар даврига оид бошқа ноёб ашёлар ҳам сақланади. Улар орасида Амир Темурининг ўғли Мироншоҳнинг номи билан хризолитдан ясалган муҳр, Гавҳаршодбегимга тегишли нефрит узук ва бошқа қўплаб тарихий буюмлар мавжуд.

«Халқ сўзи».

РЕКЛАМА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ТАЪЛИМ, ФАН ВА ИННОВАЦИЯЛАР ВАЗИРЛИГИ

ИСЛОМ КАРИМОВ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ

вакант (бўш) профессор-ўқитувчилар лавозимларига танлов эълон қилади

МЕХАНИКА МУҲАНДИСЛИГИ ФАКУЛЬТЕТИ

1. Машинасозлик технологияси кафедраси:
2. Материалшунослик кафедраси:
3. Ер усти транспорт тизимлари кафедраси:

кафедра мудири, доцент (3).
доцент (1).

доцент (1), катта ўқитувчи (1),
ассистент (1).

4. Хизмат кўрсатиш техникаси кафедраси:

доцент (1), катта ўқитувчи (3),
ассистент (1).

5. Ички ёнув двигателлари, совитиш ва криоген техникаси кафедраси:

доцент (1), катта ўқитувчи (2),
ассистент (1).

6. Технологик машиналар ва жиҳозлар кафедраси:

кафедра мудири, катта ўқитувчи (1),
ассистент (1).

7. Металлар технологиялари кафедраси:

кафедра мудири, профессор (1),
ассистент (3).

8. Материаллар қаршилиги ва машина деталлари кафедраси:
9. Назарий механика ва машина ва механизмлар назарияси кафедраси:

доцент (1).

катта ўқитувчи (1).

НЕФТЬ ВА ГАЗ ФАКУЛЬТЕТИ

1. Нефть-газ саноати машина ва жиҳозлари ва қурув-транспорт тизимлари кафедраси:
2. Нефть ва газ конлари геологияси ва геофизикаси кафедраси:

профессор (2), катта ўқитувчи (1).

кафедра мудири, профессор (1),
доцент (5), катта ўқитувчи (1).

3. Нефть ва газ конларини ишга тушириш ва улардан фойдаланиш кафедраси:

кафедра мудири, катта ўқитувчи (1),
ассистент (1).

4. Нефть ва газни қайта ишлаш объектлари кафедраси:

кафедра мудири, профессор (1),
ассистент (1).

5. Нефть-газ кимё саноати технологияси кафедраси:
6. Экология ва атроф-муҳит муҳофазаси кафедраси:

кафедра мудири, профессор (2),
доцент (8), катта ўқитувчи (1),
ассистент (1).

7. Саноат иқтисодиёти ва менежменти кафедраси:
8. Саноат дизайни кафедраси:

доцент (8), катта ўқитувчи (1).
кафедра мудири, доцент (4),
ассистент (1).

доцент (1), катта ўқитувчи (1).

ЭЛЕКТРОНИКА ВА АВТОМАТИКА МУҲАНДИСЛИГИ ФАКУЛЬТЕТИ

1. Ишлаб чиқариш жараёнларини автоматлаштириш кафедраси:

профессор (2), доцент (1),
катта ўқитувчи (1).

2. Ахборотларга ишлов бериш ва бошқариш тизимлари кафедраси:
3. Метрология, техник жиҳатдан тартибга солиш, стандартлаштириш ва сертификатлаштириш кафедраси:
4. Рақамли электроника ва микроэлектроника кафедраси:

доцент (3), катта ўқитувчи (4).

доцент (2), катта ўқитувчи (2).

5. Электрон аппаратларни ишлаб чиқариш технологияси кафедраси:

профессор (2), доцент (1),
катта ўқитувчи (3).

6. Ахборот технологиялари кафедраси:

профессор (1), доцент (1),
катта ўқитувчи (1), ассистент (2).
кафедра мудири, доцент (1),
катта ўқитувчи (1).

Танловда иштирок этишни хоҳловчилар ректор номига ариза билан кадрларни ҳисобга олиш бўйича шахсий варақа, диплом ва аттестат нусхалари, илмий ишлар ҳамда ихтиролар рўйхати, малака оширганлик тўғрисидаги ҳужжат нусхаларини топширади.

Аризалар эълон чоп этилган санадан бошлаб бир ой муддатда қабул қилинади.

Эслатма: Ушбу университетда ишловчи шахслар ўтган муддат бўйича кафедрада ҳисобот беради, танловда иштирок этувчилар синов дарслари ўтади.

Манзил: Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 2-уй, Тошкент давлат техника университетининг бош биноси, 425, 212-хоналар. Телефонлар: 71-207-08-59, 71-207-14-52.

Халқ сўзи Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 142. 12 900 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Ҳисобот усуллари билан. Қўғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетанинг ҳақиқий маълумотларини қўлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-259-74-51; котибият 71-259-74-53;
эълонлар 71-259-74-45.



Таҳририятга келган қўлабмақал тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг сўзлаб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• **МАНЗИЛИМИЗ:**
100066,
Тошкент шаҳри,
Ислом Каримов кўчаси, 55-уй.
Навбатчи муҳаррир — Х. Норбоев.
Мусахҳиҳ — С. Исломов.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 22.20 Топширилди — 23.45 1 2 3 4 5 6